

## Тақво ва унинг фазилати

05:00 / 01.03.2017 7733

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим

Али розияллоҳу анҳу дедилар: “Тақво Аллоҳдан қўрқиш, Қуръонга амал қилиш, озга қаноат қилиш, кетадиган кунга тайёргарлик кўришдир”.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу:

نُتُوْمَتِ الْوَهْتِ اَقْتِ قَحَّ لَلْ اَوْقَاتِ اَوْنَمَآ نِي دَلَا اَهِيَا اِي نَوْمِ لِسْمُ مُمْتِنًا وَاَلِ

яъни, “Эй, имон келтирганлар! Аллоҳдан чинакам қўрқув билан қўрқингиз ва мусулмон бўлмай дунёдан ўтмангиз!” (Оли Имрон, 102) ояти ҳақида шундай дедилар: “Аллоҳга чинакам тақво қилиш дегани, У зотга итоат қилиб, осий бўлмаслик, У зотни доим зикр қилиб, асло унутмаслик, Унинг неъматларига доимо шукр қилиб, куфрони неъмат қилмасликдир”. Банданинг шукри барча тоатларда бўлиши керак. У зотни зикр қилиб унутмаслик деганда, банда қалби билан Аллоҳнинг барча амру фармонларига сўз ва амалда бўйинсўниши, қайтариқларидан бутунлай қайтиши назарда тутилади.

Толқ ибн Ҳабиб раҳимаҳуллоҳ дедилар: “Тақво – Аллоҳдан савоб умидида Унга итоат қилиш, Унинг иқобидан қўрқиб, маъсиятларни тарк этиш”.

Абу Дардо розияллоҳу анҳу шундай дедилар: “Чинакам тақво дегани, банда зарра оғирлигидаги гуноҳни ҳам қилишдан сақланиши, баъзи ҳалол нарсаларни ҳам ҳаром бўлиши мумкинлигидан, ўша нарса ўзи билан Аллоҳнинг ўртасида парда бўлиб қолишидан қўрқиб, ўша ишни тарк этишдир. Зеро, Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилган: “Бас, кимки (дунёда) зарра миқдорида яхшилик қилган бўлса, (қиёмат куни) уни кўрар. Кимки зарра миқдорида ёмонлик қилган бўлса ҳам, уни кўрар” (Залзала, 7,8-оятлар). Шундай экан бирор бир яхшиликни ҳам паст санамасдан қилавергин, бирор бир ёмонликни ҳам паст санамасдан ундан сақлангин”.

Суфён Саврий раҳимаҳуллоҳ: “Тақводорлар деб номланишининг сабаби улар бошқалар сақланмайдиган нарсалардан ҳам сақланганлари учундир”, дедилар.

Ибн Аббос розияллоху анху дедилар: “Тақводорлар Аллоҳнинг иқобидан қўрқиб, Унинг қайтарган нарсаларидан қайтадиган, раҳматини умид қилиб, буюрган нарсаларини тасдиқлаб амал қиладиган кишилардир”.

Ҳасан Басрий раҳимаҳуллоҳ дедилар: “Тақводорлар Аллоҳ ҳаром қилган нарсалардан сақланадиган, буюрган нарсаларини бажарадиган зотлардир”.

Умар ибн Абдулазиз раҳимаҳуллоҳ дедилар: “Кундузларини рўза тутиб, кечаларини намоз ўқиб ўтказиб, бошқа пайт гуноҳни ҳам содир этиш Аллоҳга тақво қилиш эмас. Ҳақиқий тақво Аллоҳ ҳаром қилган нарсани тарк этиш, У зот буюрган нарсани бажаришдир. Ким булардан ташқари яна бирор яхшиликка эришса, бу яхшилик устига яхшилик ҳисобланади”.

Мусо ибн Аъюн раҳимаҳуллоҳ дедилар: “Тақводорлар ҳаромга тушиб қолишдан қўрқиб баъзи ҳалол нарсалардан ҳам ўзларини эҳтиёт қилганлари учун Аллоҳ таоло уларни тақводорлар деб номлади”.

Маймун ибн Меҳрон раҳимаҳуллоҳ дедилар: “Тақводор – ўзини кўп ҳисоб-китоб қилувчи кишидир”.

Кўпинча “тақво” калимаси, Абу Ҳурайра розияллоху анху айтганларидек, ҳаромдан четланиш маъносида ишлатилади. Бир киши Абу Ҳурайра розияллоху анхудан тақво ҳақида сўради. Шунда у зот: “Сен тиконли йўлдан юришга мажбур бўлиб қолсанг нима қиласан?” дедилар. Ҳалиги одам: “Агар шундай йўлдан юришим керак бўлиб қолса, эҳтиёт бўлиб, тиконларни босиб юбормасликка ҳаракат қилиб юраман ёки йўлнинг энг четидан аста юриб ўтиб оламан ёхуд у йўлдан умуман юрмай ортимга қайтиб кетаман” деди. Шунда Абу Ҳурайра розияллоху анху: “Мана шу ишинг тақводир” дедилар.

Шоирлардан бири юқоридаги Абу Ҳурайра розияллоху анхунинг сўзларидан келиб чиқиб шундай деган экан:

Гуноҳларнинг катта-ю кичигидан қутулмоқ тақводир.

Сен худди тиконли ерда юрувчи кишидек эҳтиёткор бўл.

Кичик гуноҳни ҳақир санама, зеро тоғлар ҳам майда тошлардан иборатдир.

Тақвонинг асли банда аввал нималардан тақво қилиши кераклигини билиб, сўнг тақво қилишидир.



“Аллоҳ ўз) амри билан хоҳлаган бандаларига фаришталарни (шундай) ваҳий билан туширур: (“Эй, пайғамбарларим! Инсонларни) огоҳлантирингизки, Мендан ўзга илоҳ йўқ. Бас, (барчаларингиз) Мендангина қўрқингиз!” (Наҳл сураси, 2-оят).

نُوقِتْ أَفْ مُمْ كُبَّرَ أَنْ أَوْ عِدْحَ أَوْ مُمْ أَفْ مُمْ كُتِّ مُمْ أَوْ دَهَّ نِإِو

Албатта, бу (динингиз) бир миллатдир (яъни ислом динидир). Мен эса, сизларнинг Раббингиздирман, бас, Мендан қўрқингиз! (Муминун сураси, 52-оят).

دَابِعَ أَيُّ هَدَابِعِ رَبِّهِ لَلْأَفْوَحِي كَلِدْ لَلْطَمْ هَوْتَحَتْ نَمَّ وَرَّانَ لِنَمَّ لَلْطَمْ هَوْتَحَتْ نَمَّ مُمْ هَلْ نُوُقِتْ أَفْ

“Улар учун устиларидан ҳам оловдан бўлган «соябонлар», остиларидан ҳам (оловдан бўлган) «соябонлар» бўлур. Бу (бўлажак азоб-уқубат) билан Аллоҳ ўз бандаларини қўрқитишидир. Эй, бандаларим! Мендан қўрқингиз!” (Зумар сураси, 16-оят).

نَ وَوْمِلْ سُمْ مُمْ تَنْ أَوْ أَلْ إِنْ تَوْ مَمَتِ الْوَهْتِ أَقْتِ قَحَّ لَلْ أَوْقَاتِ أَوْ مَمَّ نِي دَلَّ أَيْ أَي

“Эй, имон келтирганлар! Аллоҳдан чинакам қўрқув билан қўрқингиз ва мусулмон бўлмай дунёдан ўтмангиз!” (Оли Имрон сураси, 102-оят).

سَبَّ وَ أَعَجَّ وَرَ أَهْمَ قَلَّ حَوْ عِدْحَ أَوْ سَفَنَنْ مُمْ كَقَلَّ خِ يَدَّلْ أُمْ كُبَّرَ أَوْقَاتِ سَانَّ لَلْ أَيْ أَي نَاكَ لَلْ إِنْ مَحْرَّ أَلْ أَوْ هَبَّ نَوْلَ أَسَتْ يَدَّلْ لَلْ أَوْقَاتِ أَوْ أَسَنْ وَ أَرِي ثَكَّ أَلْ أَجْرَ أَمْ هَنْ أِبِي قَرَّ مُمْ كَيْ لَع

“Эй, одамлар! Сизларни бир жон (Одам)дан яратган ва ундан жуфти (Ҳавво)ни яратган ҳамда иккисидан кўп эркак ва аёлларни таратган Раббингиздан қўрқингиз! Шунингдек, ўрталарингиздаги ўзаро муомалада номи келтирилувчи Аллоҳдан ва қариндошлар (алоқасини узиш)дан қўрқингиз! Албатта, Аллоҳ сизларни кузатиб турувчидир” (Нисо сураси, 1-оят).

لَلْ أَوْقَاتِ إِنْ أَمْ كَيْ إِيْوَ مُمْ كَلْبَقْ نَمَّ بَاتِ كَلَّ أَوْتَوْ نِي دَلَّ أَنْ يَّيَّ صَوْ دَقَّ لَوْ

“...Сизлардан олдинги Китоб берилганларга ва сизларга ҳам, Аллоҳдан қўрқингиз, деб амр қилганмиз...” (Нисо сураси, 131-оят).

3. Барча Пайғамбар алайҳимуссаломларнинг ўз қавмларига қилган васиятлари ҳам тақво эди.



نَعْمُ كُذِّبَ قُرْفَتَ لَبْسِ لَ اُوعِبَّتَ اَلْوُ هُوَعِبَّتَ اَفَّ اَمِ يَ قَتْسُ مِ يَطَارِصِ اَدَهٗ نَاوُ  
هَبْ مُمَّا صَوُ مُمَّا لَدَّ هَلِ يَبَسَ

نُوقَّتَتَ مُمَّا لَعَلَّ

“Албатта, мана шу (Менинг) Тўғри йўлимдир. Унга эргашингиз! (Бошқа турли) йўлларга эргашмангиз! Акс ҳолда, улар сизларни Унинг йўлидан айириб қўяди. Тақволи бўлишингиз учун (Аллоҳнинг) қилган ҳукм(лар)и мана шу(лар)дир” (Анъом сураси, 153-оят).

5. Тақвонинг ўрни, макони инсон танасидаги энг муҳим аъзо бўлмиш қалбдир.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: “Бир-бирингизга ҳасад қилманглар, ўзаро нархларингизни ошириб манманлик қилманглар, бир-бирингизга ғазаб қилманглар, бир-бирингизнинг ортингиздан пойламанглар, биттангиз савдолашиб турган нарсанинг устига иккинчингиз савдо қилмасин! Аллоҳнинг ўзаро биродар бандалари бўлинглар! Мукулмон мукулмоннинг биродаридир. Бир-бирига зулм қилмайди, бир-бирини шарманда қилмайди, бир-бирини ҳақорат қилмайди. Тақво мана бу ерда бўлади” деб 3 марта қалбларига ишора қилдилар. –Кинининг ёмонлигига ўзининг мукулмон биродарини ҳақорат қилиши етарлидир. Бир мукулмоннинг иккинчи бир мукулмонга ҳамма нарсаси: қони ҳам, моли ҳам, обрўси ҳам ҳаромдир”. Бухорий ривояти.

## Тақвонинг фойдалари, мевалари

1. Тақводор Аллоҳнинг муҳаббатига эришади.

نَيِّقُتُّمُّ لَابِحُيَّ هَلَلَانِ

“Албатта, Аллоҳ тақволиларни яхши кўргай” (Тавба сураси, 4-оят).

نَيِّقُتُّمُّ لَابِحُيَّ هَلَلَانِ

“Албатта, Аллоҳ тақводорларни севгай” (Тавба сураси, 7-оят).

نَيِّقُتُّمُّ لَابِحُيَّ هَلَلَانِ اَفَّ اَيَّ قَاتَاوُ هَدَّ عَبَّ اَفَّ وَا نَمَّ اَلَبَّ

“Аслида эса, ким (Аллоҳ) аҳдига вафо қилса ва тақволи бўлса, албатта, Аллоҳ (бу каби) тақводорларни севади” (Оли Имрон сураси, 76-оят).

2. Тақводор икки дунёда ҳам Аллоҳнинг раҳматига эришади.

وَبُيُوتِ بُيُوتِ بَادِعَ لَاقِ كَيْلِ لَانْدُهُ اِنْدَا اَلْاِيْفَوَّهَ نَسَحَ اِيْدِلْ اِهْدَهْ يِفْ اِنْلْ بْتَكَاو  
اَلْاَزَلْ اِنُوْتُوِيْ وَنُوْتُوِيْ نِيْدِلْ اِهْبُتْ اَسْفِ اِيْشْ لُكْ تَعَسَوْ يَتْمَحْرُوْ اَشْ اَنْ م  
نُوْنُوْمُوِيْ اِنْتَايْ اَبْ اَمُهْ نِيْدِلْ اَو

“Бизларга бу дунёда ҳам, охиратда ҳам яхшиликни ёзгин. Биз Сенга қайтдик». (Аллоҳ) деди: «Азобимни хоҳлаган кишимга етказурман. (Аммо) раҳматим ҳамма нарсадан кенгдир. Уни (раҳматимни) тақвода бўлувчилар, закот берувчилар ва оятларимизга имон келтирувчиларга ёзажакман” (Аъроф сураси, 156-оят).

نُوْمَحْرُوْتُ مُمُكَلْعَلْ اُوْقُوْتَاوْ هُوْعَبَبْتَا فُكْرَابُ مُهْ اِنْلَزَنَّا بَاتِكْ اَدَهْو

“Мана бу Биз нозил қилган муборак Китоб (Қуръон)дир, унга эргашингиз ва тақволи бўлингиз, токи раҳм қилингайсиз” (Анъом сураси, 155-оят).

3. Тақво Аллоҳнинг ёрдами, мадади келишига сабаб бўлади. Тақводорни Аллоҳ таоло қўллаб-қувватлайди.

نُوْنُسُحُْمُهْ نِيْدِلْ اَوْ اُوْقُوْتَا نِيْدِلْ اَعْمَ لَلْ اِن

“Зотан, Аллоҳ тақволи бўлганлар ва эзгу иш қилувчилар билан (ҳамиша) биргадир”. (Наҳл сураси, 128-оят).

نِيْقُوْتُمُ لَلْ اَعْمَ لَلْ اِنَّا اُوْمَلْعَاو

“Яна, билиб қўйингизки, Аллоҳ тақволилар билан биргадир!” (Тавба сураси, 36-оят).

4. Аллоҳ таоло тақводор бандани икки дунёда ҳам хавфу хатардан асрайди ва унга ҳеч қандай ғам-ташвиш етмайди.

حَلْصَاوْ يَقُوْتَا نَمَفْ يَتَايْ اَمُكَيْ لَعَنْ نُوْصُقَيْ مُمُكُنْمُ لُسُرُ مُمُكُنْ نِيْتَايْ اَمْ اِمْدَا يَنْبَاي  
نُوْنُوْحَيْ مَهْ اَلْوْ مَهْ يَلْعُفُوْخْ اَلْف

“Эй, Одам авлоди! Агар сизларга ўзингиздан (инсон зотидан) бўлган пайғамбарлар Менинг оятларимни сизларга ўқиган ҳолда келсалар, (билиб қўйингизки) кимки тақволи бўлиб, (ўзини) тузатса, у (каби)ларга (охиратда) хавф йўқ ва улар ташвиш ҳам чекмагайлар” (Аъроф сураси, 35-оят).

نُوْنُوْحَيْ مَهْ اَلْوْ اُوْسُلَا مُمُسَمَيْ اَلْمَهْ تَزَا فَمَبْ اُوْقُوْتَا نِيْدِلْ اَلْ اَلْ يَجْنُو

“Аллоҳ, тақво қилган зотларни ютуқлари сабабли (охират азобидан) қутқарур, уларга бирор нохушлик ҳам етмас ва улар ғамгин ҳам бўлмаслар” (Зумар сураси, 61-оят).

5. Тақводорнинг қалби нурга тўлади ва басират кўзи очилади. Натижада у ўзига нималар фойдали-ю, нималар зарарли эканини ажратадиган бўлади.

مُكْتَبَاتِئِيَّسٍ مُّكُنَّ رَفَعَتْ وَيَوَّانَ أَوْ رُفِّمُ كَلَّ لَعَجَّ يَـلَّ لَ أَوْ قَاتَتْ نِ اِ اُونَمَ آ نِي دَّالِ اَهُيَ أَي  
مِ طَعَّ لَ لَ لَ صَفَّ لَ ا وَ ذُّ هَ لَ لَ ا وَ كَلَّ رَفَعَتْ وَيَـ

“Эй, имон келтирганлар! Агар Аллоҳдан қўрқсангиз, сизлар учун (ҳақ билан ноҳақликни) ажрим этувчи (ёрддам)ни берур ва гуноҳларингиздан ўтиб, сизларни мағфират қилур. Аллоҳ улкан фазл соҳибидир” (Анфол сураси, 29-оят).

لَعَجَّ يَـ وَيَوَّانَ حَرُّ مِ نِ نِي لَ فِ كُ مُ كَاتُ وُيَ هِ لَ وُ سَ رَ بِ اُونَمَ آ وَ لَ لَ ا اَوْ قَاتَتْ ا اُونَمَ آ نِي دَّالِ اَهُيَ أَي  
مِ حَرُّ رُ وُ فَعَّ هَ لَ Lَ a وَ كَلَّ رَفَعَتْ وَيَـ هِ بَ نَ وُ شَ مَ تَ ا رُونُ مُ كَلَّ

“Эй, (Исога) имон келтирган зотлар! Аллоҳдан қўрқингиз ва Унинг пайғамбари (Муҳаммад)га ҳам имон келтирингиз, (шунда) У сизларга ўз раҳматидан икки баробар ато этур ва сизларга (қиёматда ёритувчи) нур пайдо қилур ҳамда сизларни мағфират қилур. Аллоҳ мағфиратли ва раҳмлидир” (Ҳадид сураси, 28-оят).

6. Аллоҳ таоло тақводор бандасига шайтондан ғолиб бўлиш қувватини ато этади.

نَ وُ رُ صُبُّ مُمُ هِ اِ ذِ اِ فِ ا وُ رَّ كَذَّتْ نَ ا طِ يَّ شِ لَ ا نِ مِ فِ ا طِ مُمُ هِ سَمَ اِ ذِ اِ اَوْ قَاتَتْ ا نِي دَّالِ ا نِ ا

“Тақво қилганларга шайтондан (бирор) мусибат етса, (дарҳол Аллоҳни) эслайдилар. Бас, ўшанда улар (ҳақни) кўрувчидирлар” (Аъроф сураси, 201-оят).

7. Тақво улкан ажрга эришиш учун василадир.

اِ حَ ا هَ لَ مِ طَعَّ يَـ وَيَوَّانَ اَهُيَ سِ هِ نَ عَ رَفَّ كُ يَـ لَ Lَ a قَاتَتْ يَـ نِ مَ وُ مُ كُ يَـ لَ ا هَ لَ زَ نَ a لَ Lَ a رَمَ a كَلَّ ذِ

“Бу Аллоҳнинг сизларга нозил қилган амридир. Кимки Аллоҳга тақво қилса, унинг ёмонлик (гуноҳ)ларини ўчирур ва унинг мукофотини буюк қилур” (Талоқ сураси, 5-оят).

مِ طَعَّ عَ رَجَّ اُ مُ كَلَّ لَ Fِ اَوْ قَاتَتْ وَيَـ اُونَمُ وُ تَ نِ ا وَ

“Имон келтириб, тақволи бўлсангиз, сизларга (охиратда) буюк мукофот (бордир)” (Оли Имрон сураси, 179-оят).

8. Тақво ризқнинг кенг бўлиши, кўплаб яхшиликлар эшигининг очилишига сабаб бўлади.

نَكَلْ وَضُرَّالْاَوْءَامَّسَلْ اَنْمَاتَاكَرَبْمَهَلَعَاَنْحَاتَفَلْ اَوْقَاتَاوْ اُوْنَمَآرُقُولْ اَلْهَلْ اَنْوَلْ وَاَنْوَلْ  
نَوُبْسُكَي اُوْنَاكْ اَمْبْمُهْ اَنْدَحْ اَفْ اُوْبْدَكَ

“Агарда (мазкур) юртларнинг аҳолиси имон келтирган ва тақво қилганларида эди, улар устига осмонлар ва Ердан баракотлар (эшиклари)ни очиб юборган бўлур эдик. Лекин (улар пайғамбарларни) ёлғончига чиқардилар. Натижада қилмишлари сабабли уларни (азобга) тутдик” (Аъроф сураси, 96-оят).

بَسَّتَحَيَّ اَلْثَّيْحُ نَمُهْ قُرْرَيْ وَاَجْحَمُهْ لَعَجَّيْ هَلْ لَقَّتَيْ نَمَو

“Кимки Аллоҳга тақво қилса, У унга (ташвишлардан) чиқиш йўлини (пайдо) қилур. Яна, уни ўзи ўйламаган жойдан ризқлантирур” (Талоқ сураси, 2,3-оятлар).

9. Тақво сабабли муаммолар ечилиб, ишлар осонлашади.

اَجْحَمُهْ لَعَجَّيْ هَلْ لَقَّتَيْ نَمَو

“Кимки Аллоҳга тақво қилса, У унга (ташвишлардан) чиқиш йўлини (пайдо) қилур” (Талоқ сураси, 2-оят).

اَرْسُيْ هَرْمُأْنَمُهْ لَعَجَّيْ هَلْ لَقَّتَيْ نَمَو

“Кимки Аллоҳга тақво қилса, (Аллоҳ) унинг ишини осон қилур” (Талоқ сураси, 4-оят).

اَرْسُيْ لَلْ هَرْسُيْ نَسَفْ (6) اَنْسُحْ لِبَابِ قَدَّصَوْ (5) اَيْ قَاتَاوْ اَيْ طَعَا نَمَامْ اَفْ

“Бас, кимки (закот ва садақотларни) берса ва (Аллоҳдан) қўрқса,

ҳамда гўзал (нарсани) тасдиқ этса, бас, унга осонликни муяссар қилурмиз” (Лайл сураси, 7-оят). Оятдаги гўзал нарсадан мурод ислом дини ёки жаннат ёхуд имон калимасидир.

10. Тақво сабабли банда душманларидан ғолиб бўлади, уларнинг макру хийлаларидан ҳамда ёмонликлари сақланади.



عَبَقِ الْاَوْ اِدَاسَفِ الْوَضَّرَالِ اِي فَاُولُوعَ نَوُدِي رِي الْاِنِي دَلَلْ اُهُلَّ عَجَنُ عَرَحِ الْاُرَادِلْ اِكُلْت  
نِي قُتْمُلْ

“Биз ўша (сизларга маълум) охират диёрини ер юзида зулм ва бузғунчилик қилишни истамайдиган кишилар учун яратурмиз. Оқибат эса, тақволи кишиларникидир” (Қасос сураси, 83-оят).

اِكُلْت اُهُلْ طُوْمُ اِدْ اُهُلْ كُتْلُ اُرَاهُ الْاَلْ اَهُتَحَتْ نَمِ يَرْحَتْ نَوُقْتُمْلْ اِدْعُو يَتْلْ اِنَّحْ اِلْ اَلْتَم  
رَانْ اِلْ اِنِي رَفَاكُلْ اِي بَقُوعْ وَاَوْقَاتْ اِنِي دَلْ اِي بَقُوعْ

“Тақволилар учун ваъда қилинган жаннатнинг мисоли: унинг остида анҳорлар (доимо) жорий, мевалари ва соялари боқийдир. Бу тақво қилганларнинг оқибати (мукофоти)дир. Кофирларнинг оқибати эса дўзахдир” (Раъд сураси, 35-оят).

مُهَقَّوْفْ اَوْقَاتْ اِنِي دَلْ اَوْ اُونَمْ اِنِي دَلْ اِنَمْ نُوْرَحْ سَيَّوْ اَيُّنْ دَلْ اِي حَايْ اِلْ اُوْرَفَاكْ نِي دَلْ اِنِّي ز  
بِ اَسْحَرْ اِي غَبْ اَشَّيْ نَمْ قُرَّرِيْ هُلْ اِلْ اَوْ اِي قُلْ اِمَّوِي

“Кофир бўлганларга бу дунё зийнатли қилиб қўйилган. Улар имон келтирганлар устидан куладилар. Ҳолбуки, қиёмат куни тақволи бўлганлар улардан баланддирлар. Аллоҳ хоҳлаган кишиларга беҳисоб ризқ берур” (Бақара сураси, 212-оят).

12. Панду насиҳат фақат тақводорларгагина фойда беради, уларгагина таъсир қилади. Улар Аллоҳнинг оятлари ҳақида тафаккур қиладилар ва ўша оятлар асосида яшайдилар.

اِرْوَاتْ اِنْمِ هِي دَيَّ نِي بْ اِمْلْ اَقْدَصُمْ مَمِّي رَمَنْ بَا اِي سِي عِبْ مَهْرَاتْ اِي لَع اِنِّي فَقْو  
ةَطْعُومْ وَاِي دَهْ وَاِرْوَاتْ اِنْمِ هِي دَيَّ نِي بْ اِمْلْ اَقْدَصُمْ مَمِّي رُونْ وَاِي دَهْ هِي لِي خُنْ اِلْ اِنِّي تْ اَوْ  
نِي قُتْمُلْ

“Уларнинг изларидан Исо ибн Марямни ўзидан олдинги (туширилган) Тавротни тасдиқ этувчи ҳолда издош қилиб юбордик ва унга Инжилни – ичида ҳидоят ва нури билан ўзидан олдинги (туширилган) Тавротни тасдиқ этувчи ҳолда тақводорлар учун ҳидоят ва насиҳат (манбаи) қилиб бердик” (Моида сураси, 46-оят).

نِي قُتْمُلْ اِي دَهْ وَاِي دَهْ اَفَلْ خْ اَمَّوْ اُهُلَّ دَيَّ نِي بْ اِمْلْ اِلْ اَكُنْ اَهُلَّ لَعَجَفْ

“Биз буни улардан олдинги ва кейинги давр учун (ибратли) жазо, тақволи кишилар учун эса насиҳат (манбаи) қилдик” (Бақара сураси, 66-оят).

نِي قُتْمُلْ اِي دَهْ وَاِي دَهْ وَاِي دَهْ سَانْ لَلْ اِنِّي بْ اَدَهْ



اُوْنَاكَ وَاُوْنَمَآ نِيْدَالَا (62) نُوْنَزَحِيْ مُهْ اَلْوَمَّهِيْلَعُ فَوَخِ اَللَّيْلِ اِيْلَوَّ اِنَّا اَلْا  
هَلَّلَا تَامَلْ كَلَّ لِيْ دَبَّتْ اَلدَّخَالِيْ وَيَفَوَّ اِيْنِيْدَا اَلدَّيْخَالِيْ فِيْ رِشْبِ اَلْمُهَلِّ (63) نُوْوَقَّتِي  
مُطْعَلًا زَوْفَلَا وُهَكَ لَدَّ

“Огоҳ бўлингизки, албатта, Аллоҳнинг валийлари (дўстлари)га хавф йўқдир ва улар ташвиш ҳам чекмаслар. Улар имон келтирган ва тақволи бўлганлардир. Уларга дунё ҳаётида ҳам, охиратда ҳам башорат (хушхабар) бордир. Аллоҳнинг сўзларида ўзгартириш йўқдир. Ана шу буюк ютуқдир” (Юнус сураси, 62, 63, 64-оятлар). Оятда зикр қилинган “Аллоҳнинг дўстлари”, яъни авлиёлар кимлиги хусусида турли таърифлар мавжуд. Жумладан, улар тоат-ибодат билан Аллоҳга яқин бўлувчи, Аллоҳ эса, уларга фазлу каромати билан яқин бўлган кишилардир. Кўпчилик уламолар фикрига кўра, валийлар Аллоҳ йўлида дўстлашган кишилар бўлиб, уларни боғлаб турувчи нарса бойлик ҳам эмас, қариндошлик ҳам, балки Аллоҳнинг ризолигидир. Бунга далил қилиб, ушбу ҳадисни келтирадилар: “Аллоҳнинг шундай бандалари ҳам борки, қиёмат куни уларнинг Аллоҳга яқинлигини кўриб пайғамбарлар ва шаҳидлар ҳам уларнинг мақом ва мартабаларини ҳавас қиладилар. Улар ўзаро қариндош ҳам эмаслар, бир-бирлари билан бойлик жиҳатдан ҳам олди-бердилари бўлмаган, лекин улар Аллоҳнинг йўлида дўстлашган кишилардир. Уларнинг юзлари нуроний, ўзлари ҳам нури раббоний узра барқ уриб турурлар. Одамлар (қиёмат ваҳимасидан) қўрққанда улар қўрқмаслар, одамлар (гуноҳларидан) ташвиш чекканда улар ташвиш чекмаслар”, деб Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мазкур оятни ўқиб берган эканлар.

Валийлар ёки авлиёлар таърифи тасаввуфда ўзига хос тарзда акс эттирилган. Ҳар икки таъриф ўртасида муайян муносабат бор.

14. Тақво бандани Роббисига яқинлаштирадиган асосий мезон, ўлчовдир.

اِنَّا اُوْفَرَاغَتَلَّ لِيْ اَبَقَوَّ اَبُوْغُشِّ اَلْمُكَاْنَلَعَجَّ وَتَتُّنُّ اَوْرَكَ دُوْمُ كَاْنَقَلَخِ اِنَّا سَاْنَلَا اِهْيَا اِي  
رِيْبَخُ مِيْلَعِ اَللَّيْلِ اِنَّا كَاَقْتَا اَللَّيْلِ دُنْعُ مُمَّرَكَ اِي

“Эй, инсонлар! Дарҳақиқат, Биз сизларни бир эркак (Одам) ва бир аёл (Ҳавво)дан яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан танишишингиз учун сизларни (турли-туман) халқлар ва қабила (элат)лар қилиб қўйдик. Албатта, Аллоҳ наздида (энг азизу) мукаррамроғингиз тақводорроғингиздир. Албатта, Аллоҳ билувчи ва хабардор зотдир” (Ҳужурот сураси, 13-оят).

15. Тақво охират сафарига тайёргарлик кўраётган банданинг энг яхши йўл озуқасидир.

يَفْلَحُ لَاحِجَ الْوَقُوفِ الْوَتَّافِرِ الْفَحَّاحِ لَنْ يَفْضَرَ فَنَمَفْتُمْ أَوْلَعْتُمْ رُشَّاحِ الْوَقُوفِ أَوْ قَوْلِ دَاوُدَ رِيْحٍ نِيفٍ أَوْ دَوْرَتِ وَهَلْ لَمْ لَعِي رِيْحٍ نِمٍ أَوْلَعْتُمْ أَمْ وَجَّحِ الْوَقُوفِ

“Ҳаж (мавсуми учун) маълум ойлар (белгиланган). Бас, ким шу ойларда ҳажни ўзига фарз қилса (ҳажни ният қилса), ҳаж давомида хотинига яқинлашиш, гуноҳ-маъсият ва жанжал (каби ишларга рухсат) йўқ. Ҳар қандай яхши (савобли) иш қилсангиз, албатта, уни Аллоҳ билур. (Ҳаж сафарига) озуқа олиб чиқинг. Энг яхши озуқа тақводир. Тақвони Менга қилингиз (Мендан қўрқингиз), эй, оқиллар!” (Бақара сураси, 197-оят).

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб: “Эй Аллоҳнинг Расули, мен сафар қилмоқчиман, мени йўл озуқаси билан таъминланг” деди. Пайғамбар алайҳиссалом: “Аллоҳ сенга тақвони йўл озуқаси қилиб берсин” дедилар. Ҳалиги одам: “Яна зиёда қилинг” деди. У зот: “Аллоҳ гуноҳларингни кечирсин” дедилар. Бояги киши: “Ота онам сизга фидо бўлсин, яна зиёда қилинг” деди. Шунда у зот: “Қаерда бўлсанг ҳам Аллоҳ сени яхшиликка осонлик билан эриштиради” дедилар. Термизий ривояти.

16. Тақво амал қабул бўлишининг асосий сабабидир.

لَبَّ قَتِيْمٌ مَلَّوْا مَوْحَاً نَمَلٌ لَّبُّ قَتَفٍ اِنَّا بَرُّقٌ اَبْرَقٌ ذِي قَوْلٍ لِبَابِ مَدَايِي نَبِ اَبْنِ مَهْمِي لَعْلَتَاو  
نِي قَتْمَلِ نَمُهُ لَلِ لَّبُّ قَتِي مِّنْ اِلْ اَقْلَ كُنْتُمْ اَلْ اَقْرَحِ اَلِ نَم

“Уларга Одамнинг икки ўғли (Қобил ва Ҳобил) ҳақидаги хабарни ҳақиқати билан ўқиб беринг! Иккиси қурбонлик қилганларида, биридан қабул қилинди, унисидан эса қабул қилилмади. (Қурбонлиги қабул бўлмаган Қобил укаси Ҳобилга): «Сени, албатта, ўлдиражакман!» – деди. (Ҳобил) эса: «(Қурбонликни) Аллоҳ аслида тақволи кишилардан қабул қилур» (Моида сураси, 27-оят).

مُكِّنٌ مِّنْ قَوْلِ الْوَقُوفِ اِنِّي نَكَلٌ وَهُوَ اَمْدٌ اَلْ وَهُوَ قَوْلٌ لَلِ اَلِ اِنِّي نَل

“Аллоҳга (қурбонлик) гўштлари ҳам, қонлари ҳам етиб бормас. Лекин у Зотга сизлардан тақво етар” (Ҳаж сураси, 37-оят).

17. Қуръон тақводорлар учун хушxabардир.

اَدْلًا مَّوَقِدًا رَدُّنْتَ وَنِي قَتْمَلِ اِبْرَشَبْتَلِ كِنَاسِلِ بُهَانَ رَسِي مِّنْ اِن



“Аллоҳ, тақво қилган зотларни ютуқлари сабабли (охират азобидан) қутқарур, уларга бирор нохушлик ҳам етмас ва улар ғамгин ҳам бўлмаслар” (Зумар сураси, 61-оят).

23. Тақво гуноҳларнинг кечирилишига сабаб бўлади.

لَعَجَّ وَيَوْهَتَ مَحْرُومٍ نِيْلَ فِكْمُ كِتَابِي هَلْ لَأُوقِتَا أُوْنَمَآ نِيْلَ أَيْ أَي  
مُيْحَرُّ رُفَعٌ هَلْ لَأُوقِتَا أُوْنَمَآ نِيْلَ أَيْ أَي

“Эй, (Исога) имон келтирган зотлар! Аллоҳдан қўрқингиз ва Унинг пайғамбари (Муҳаммад)га ҳам имон келтирингиз, (шунда) У сизларга ўз раҳматидан икки баробар ато этур ва сизларга (қиёматда ёритувчи) нур пайдо қилур ҳамда сизларни мағфират қилур. Аллоҳ мағфиратли ва раҳмлидир” (Ҳадид сураси, 28-оят сураси).

رَفَعِي وَ مَكْلَامَ أَمْ كَلَّ حَلْ صِي (70) ادي دَسَّ الْوَقَّ اُولُوقَّ وَ هَلْ لَأُوقِتَا أُوْنَمَآ نِيْلَ أَيْ أَي  
أَمْ يَطْعَازُوفَ زَافَ دَقْفُ هَلْ لَأُوقِتَا أُوْنَمَآ نِيْلَ أَيْ أَي

“Эй, мўминлар! Аллоҳдан қўрқингиз ва тўғри сўзлангиз! (Шунда Аллоҳ) ишларингизни ўнглар ва гуноҳларингизни мағфират этар. Кимки Аллоҳга ва Унинг пайғамбарига итоат этса, бас, у улуг ютуққа эришибди” (Аҳзоб сураси, 70, 71-оятлар).

24. Улуғлик фақатгина тақво билан бўлади.

Самура розияллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қиладилар: “Ҳасаб молу давлат, улуғлик эса тақводир”. Термизий ривояти.

25. Аллоҳ таоло тақводорлар учун илм олишни осон қилиб қўяди.

مَيْ لَعَجَّ وَيَوْهَتَ مَحْرُومٍ نِيْلَ فِكْمُ كِتَابِي هَلْ لَأُوقِتَا أُوْنَمَآ نِيْلَ أَيْ أَي

“Аллоҳдан қўрқингиз! Аллоҳ сизларга (шундай) таълим беради. Аллоҳ ҳамма нарсани билувчи зотдир” (Бақара сураси, 282-оят).

26. Тақвонинг савоби жаннатдир.

نِيْلَ فِكْمُ كِتَابِي هَلْ لَأُوقِتَا أُوْنَمَآ نِيْلَ أَيْ أَي

“Раббингиздан (бўлувчи) мағфиратга ва кенглиги осмонлару Ерга тенг, тақводорлар учун тайёрлаб қўйилган жаннат сари (солиҳ амаллар қилиш билан) шошилингиз!” (Оли Имрон сураси, 133-оят). Жаннатнинг кенглиги нисбий маънода етти қават осмон ва етти қават ернинг энига тенг дейилган. Ваҳоланки, Еру осмонларнинг эни ёки бўйи деган тушунча йўқ.



тилка-пора қилиб ташлайдиган (кофир)лар каби бўлурмилар?!” (Муҳаммад (с.а.в.) сураси, 15-оят).

مَوْلَىٰ لِقَاؤِ هَٰؤُلَاءِ أَتَىٰ حَٰجَّ إِذِ ٱتَّخَذُوا ٱلْأَرْزَاقَ ٱلَّذِينَ هُمْ بِرَأْسِهَا قِيَسًا وَ  
نِيْدَ ٱلْأَخِ ٱلَّذِى ٱدَّخَلَ ٱلْأَخْطَافَ ٱلَّذِى ٱتَّخَذَ ٱلْأَسَاطِىْرَ ٱلَّذِينَ هُمْ بِرَأْسِهَا قِيَسًا وَ

“Парвардигорларидан қўрққан тақволи зотлар ҳам гуруҳ-гуруҳ ҳолда жаннатга бошлаб борилур. То қачонки, улар унинг дарвозалари очилган ҳолда эканида етиб келганларида ва унинг қўриқчилари: «Сизларга салом! Хуш келдингиз! Бас, унга мангу қолувчи бўлган ҳолингизда кирингиз!» – деганларида (улар беҳад шодланурлар)” (Зумар сураси, 73-оят).

### **Фойдаланилган манбалар:**

1. Ҳофиз Ибн Ражаб Ҳанбалийнинг “Жомеъул улуми вал ҳикам” асари.
2. Шайх Абдулазиз Салмоннинг “Иршодул ибод” асари.
3. Шайх Мозин ал-Фариҳнинг “Ар-роид” асари.

Нозимжон Ҳошимжон